O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 4 май пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 85 (2382)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Қонунчилик ва норматив асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак эканлиги талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз парламенти ўзининг биринчи сессиясида бир қанча янги тузилмаларни таркиб топтирди. Ана шундай тузилмалардан бири — Олий Мажлиснинг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси 2 май куни Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан биргаликда ўтказган қўшма йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика Атамашунослик қўмитаси томонидан янги, илмий асосланган норматив-ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилига жорий этиш амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама этилди.**

Йиғилишда Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва идораларнинг, илмий муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда шу нарса алоҳида таъкидландики, республика Атамашунослик қўмитаси ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг атама ва тил муаммолари билан бевосита шуғулланадиган мустақил институт сифатида шакл топган бўлиб, 1990 йилдан бери — ўтган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида талайгина ибратли ишларни амалга оширди, кенг кўламли фаолиятни асосан жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борди. Турли йўналишлар бўйича тузилган 14 та бўлим саъй-ҳаракати билан атамашуносликка оид ишларни марказлаштириш, атамаларни тартибга солиш, илмий-амалий тадбирларни уюштириш, соҳа бўйича барча корхона, муассаса, ташкилотларга тавсиялар бериш, атамалар луғатларини тайёрлаш, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, нашр этиш ва янги, илмий асосланган атамаларни ўзбек тилига жорий этишда муайян ютуқларга эришилди. Мамлакатимизнинг етакчи газета-журналлари, шунингдек, Атамақўм томонидан нашр этиб келинган «Ахборотнома» саҳифаларида янги қабул қилинган атамалар бериб борилди.

Лекин йиғилиш аҳли томонидан таассуф билан қайд этилганидек, жўшқин бошланган ва ўз вақтида таҳсинга сазовор бўлган бу ишга кейинги пайтларда эътибор бир мунча сусайиб, бошланган хайрли ташаббуслар маълум сабабларга кўра аста-секин сўна бошлади. Атамақўмнинг ташаббускорлиги, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ижросининг жамоатчи назоратчиси сифатидаги роли мутлақо сезилмай қолди. Ўзи мутасадди бўлган йўналишда қўмита кейинги пайтларда бирорта ҳам кўрсатма ёки тавсия қабул қилмаган. «Ахборотнома»нинг нашр этилишидаги давомийлик бузилиб, 1997 йилдан бошлаб у мутлақо нашр этилмай қўйилган. 1998 йилдан бери бирорта илмий-амалий конференция ўтказилмаган. Оқибатда «олийгоҳ», «ҳужжатхона», «нақлиёт», сиҳатгоҳ» сингари қатор ноўрин, ҳатто Атамақўм расман рад этган иборалар тилимизга аралашиб кетди, баъзи расмий идоралар биноларининг пешлавҳалари, гербли ҳужжатларидан жой олди.

Қизғин ва ғоят манфаатдорлик билан муҳокама этилган мазкур масала юзасидан қабул қилинган қўшма қарорда республика Атамашунослик қўмитасининг фаолияти, имкониятлари ва эҳтиёжлари мутасадди ташкилотлар томонидан муфассал ўрганиб чиқилиб, унинг моддий-техника таъминотини, ходимлар учун яратилган иш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилиши мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Ўзбек тилида қўлланиладиган атамаларни бирхиллаштириш, бу ишда йўл қўйилган чалкашликларни бартараф этиш мақсадида республика Атамашунослик қўмитасига, тегишли вазирлик ва идораларга ўз иш қоғозларида, гербли ва бошқа хил ҳужжатларида расман тасдиқланмаган атамалардан фойдаланиб келаётган юридик шахслардан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун талаблари бузилишини бартараф этишни талаб қилиш, барча идораларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилишига эришишга қаратилган ишларни кучайтириш, мутахассис-олимлар томонидан тайёрланган луғатлар, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий атамалар луғатларини белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишга ҳамда нашр этишга эришиш топширилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 1999 йил 2 апрелдаги қарорида белгиланган айрим тавсиялар бажарилмаганлиги, хусусан, Атамашунослик қўмитасига эътиборни алоҳида қаратиш зарурлигига, унинг янги Низомини яратиш, моддий-техникавий аҳволини ўрганиб чиқиш жоизлигига оид тавсиялари эътиборсиз қолдирилганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумот учун етказишга қарор қилинди. Давлат тилини жорий этиш комиссиясига Атамақўм фаолияти билан боғлиқ қайд этиб ўтилган масалалар юзасидан ўз муносабатини билдириш тавсия этилди.

## Она юрт бўйлаб...

### ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонасида «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича статистик маълумотларни йиғиш тизимини илмий мустаҳкамлаш ва ташкил этиш» масалаларига бағишланган семинар бўлди.

Унда Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда мамлакатимиз вакиллари иштирок этишди. Осиё банки ҳамда Ҳиндистон ва Филиппин давлатларининг статистика ходимлари эса кузатувчи сифатида қатнашдилар.

Тўрт кун давом этган ушбу семинарда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, уларни бартараф этиш борасида фикр алмашилди. Экологик муаммоларни статистика маълумотлари орқали таҳлил этиш йўл-йўриқлари келишиб олинди.

### «БУЮК АМИР ТЕМУР» КЎРИК—ТАНЛОВИ

Халқаро Амир Темур жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими томонидан шундай танлов ўтказилиши эълон қилинди. Хўш, бундан мақсад нима? Мақсад — Амир Темурни англаш. Амир Темурни англаш эса, ўзликни англаш демакдир. Ўзлигини англаган элни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Кўрик-танловда ана шу жиҳатлар акс этиши, хусусан, публицистик мақолалар, бадиий ва саҳна асарлари, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларда айнан мана шу томонлар ёритилиши лозим. Ёритилганда ҳам ўзига хос тарзда, янгича талқинда. Қани ким бунинг уддасидан чиқаркин.

Кўрик-танловда ким қатнашишни хоҳласа, шу йил 1 мартгача Амир Темур жамғармаси вилоят бўлимига мурожаат қилиши мумкин.

Биринчи мукофот 100 минг сўм.

### ВОДИЙ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК

Республикамизнинг аҳоли энг зич жойлашган Фарғона водийсида истиқомат қилувчиларнинг истаклари инобатга олиниб, водий вилоятлари бўйлаб ўтадиган йўловчи ташувчи қўшимча поездлар қатнови йўлга қўйилди.

Жадвалга кўра, «Андижон-Марғилон-Тошкент» ҳафтада тўрт марта, «Андижон-Наманган-Тошкент» ҳафтада уч марта, «Андижон-Марғилон-Бухоро», ҳафтада икки кун, «Андижон-Наманган-Бухоро», ҳафтанинг душанба кунлари юра бошлади.

### УРУҒ САМОЛЁТДА СЕПИЛМОҚДА

Беш минг гектар майдонда шоли етиштириладиган Сурхондарёда уруғни самолётлар билан сепишга киришилди. Бу иш биринчи бўлиб Музработ туманининг ат-Термизий номли, "Бешқўтон" жамоа хўжаликларида бошланди. Айтиш жоизки, бунда иш унуми юқори бўлиш билан бирга, уруғ ҳам тежалади.

*Теннис: Ҳавас-2000*

### ЎЙИННИ ПОЙТАХТДА ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

Давлатобод туманидаги «Дўстлик» теннис мажмуида ўтказилган «Ҳавас-2000» турнири беллашувларининг Наманган вилоят босқичи жуда қизиқарли кечди. Унда муросасиз кураш олиб борган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари маҳоратлари тобора ошиб бораётганини намойиш этишди. Финал қисмидаги «жанг»лар эса тағин ҳам шиддатли бўлди. Унда Мингбулоқ тумани ҳокими М. Усмонов ва Косонсойдаги «Телекомтек» қўшма корхонаси раҳбари О. Носиров ғолиб чиқди.

Энди улар турнирнинг пойтахтда ўтказиладиган республика босқичида иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**«Халқ сўзи», «ЎзА», «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Деҳли, 2 май. ЎзА махсус мухбири Беҳзод Усмон хабар қилади:*** Эрталаб "Раштрапати Бхаван" майдонида давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Майдонда мамлакатимиз раҳбарини Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан ва Бош вазир Атал Биҳари Важпаи қарши олди. Ислом Каримов махсус шоҳсупага кўтарилгач, икки давлат мадҳиялари янгради. Президент фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Ҳиндистон билан барча соҳаларда, энг аввало, хавфсизлик борасида ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ислом Каримов Ҳиндистон мустақиллигининг асосчиси Маҳатма Ганди хотирасига бунёд этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

"Раштрапати Бхаван" қароргоҳида Ислом Каримов Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

"Ҳайдаробод" саройида эса Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан учрашди. Яккама-якка суҳбат давомида давлатлараро муносабатларнинг асосий тамойиллари хусусида фикр алмашилди. Шундан сўнг музокаралар Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат делегациялари аъзолари иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

Учрашувлар якунида дўстона алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳужжатлар қабул қилинди. Ислом Каримов ва Атал Биҳари Важпаи Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, жиноят-қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги шартномалар, ҳукуматлараро кредит битими, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим соҳасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум, маданият соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашуви ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протоколлар, божхона органларининг ўзаро ёрдами ҳақидаги битим, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Ҳиндистоннинг "Пресс Траст оф Индиа" ахборот маҳкамаси ўртасида касбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оқшом "Ҳайдаробод" саройида Ҳиндистон Бош вазири номидан Президент Ислом Каримов шарафига қабул маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

***Деҳли, 3 май.***

Ҳиндистонда давлат ташрифи билан меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сафарининг иккинчи куни "Раштрапати Бхаван" қароргоҳида мамлакат ички ишлар вазири Лал Кришна Адванини қабул қилди. Суҳбатда мазкур ташриф асносида икки давлат ўртасида жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликдаги курашни кучайтириш борасида имзоланган ҳужжатларнинг ижроси, бу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни икки мамлакат президентларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясига етгач, Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан Ислом Каримов шарафига қабул маросими ўтказди.

3 май куни эрталаб икки давлат раҳбарларининг якуний учрашуви бўлди. Президентлар ташриф ўта самарали кечганини, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришини таъкидлади.

Сафар давомидаги яна бир муҳим воқеа Деҳлидаги "Тож Палас" меҳмонхонасида бўлди. Бу ерда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ҳиндистон Саноат конфедерацияси ўртасида ўзаро англашув ҳақида меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Президенти мазкур конфедерация вакиллари билан учрашув ўтказди. Ҳинд тадбиркорларига мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

Сўнг Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари Агра шаҳрига келди. Бу ерда улуғ аждодларимиздан бири, Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон бунёд эттирган "Тож Маҳал" мажмуи зиёрат қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Оқшом давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

**(ЎзА)**



*9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни*

## АВЛОДЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йилнинг бошлари эди. Кечқурун ишдан келиб телевизор қулоғини бурадим. Президентимиз маҳаллий ва хорижий журналистларга интервью бераётган эканлар.

— 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилсак, — дедилар Юртбошимиз. — Хотира ва Қадрлаш degani фақат иккинчи жаҳон уруши даврида ҳалок бўлганларни эслаш эмас, балки қайси даврда бўлмасин миллатимиз озодлиги, ҳурлиги, тараққиёти учун фидойилик қилганларни, жонини тикганларни яхши ниятлар ила ёдлаш ва ҳозир орамизда юрганларнинг, ҳаёт бўлганларнинг қадрига етиш дегани...

Бу — Йўлбошчимизнинг навбатдаги ташаббуси эди. Йўқ, у шунчаки ташаббус ёхуд таклиф эмас, йиллар давомида кўнгил тубига жамланган, қалбни жароҳатлаётган туйғунинг бўй кўрсатиши эди. Мен учун, энг муҳими, **халқимнинг омонлиги**, деб ураётган юракнинг ҳароратли тафти эди бу. Юракдан чиққан самимий тилак, орзу тез орада кўпчиликка юқиши, оммалашишини ўшанда янада теранроқ ҳис қилдим. Ахир қайси юртдошимиз билан суҳбатлашмай «кўнглимиздагини топиб айтдилар-да», деб такрорлашарди.

Ўлмас ота деган танишим бор. У киши 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказган, ўқитган, ҳунарли қилган, эл орасига қўшган. Етмиш баҳорни ортда қолдирган отахоннинг 50 йиллик умри меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Шогирдларини санасангиз, саноқдан адашишингиз тайин. Йўғида сабр, борида шукур қилиш отанинг ҳаётий шиори.

Ҳар сафар Янгийўлга борганимда Ўлмас отани йўқлайман, суҳбатини оламан. Бу галги гурунгимиз асносида кутилмаганда савол бердилар:

— Хўш, мухбир болам, ижодлар қалай, айни кунда нималар ҳақида ёзаяпсиз?

Кундалик юмушларим, режалаштирган мақолаларим хусусида қисқача гапирган бўлдим.

— Биласизми, — деди ота осойишта. — Шу Хотира ва Қадрлаш кунининг таъсис этилиши улуғ ва хайрли иш бўлганлиги хусусида анчадан бери бир нарса қораламоқчи бўламан-у, бироқ, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан. Балки фикрларимни қоғозга туширишга сиз кўмаклашарсиз.

— Бажонидил.

— Бўлмасам, сиз шундай ёзингки, токи баъзи калта ўйлайдиган, «ҳа, Ғалаба байрамини Хотира ва Қадрлаш кунига алмаштиришди-да», деб юрганлар Президент ташаббуси билан жорий этилган бу сананинг нақадар улуғвор мақсадни кўзлаганидан, «э, бундай экан-да» деб лабини тишлашсин. Хотира дегани ўтганларни шунчаки ёдлаш эмас, балки уларга ҳурмат бажо келтиришлигини, тарихий хотирасиз келажак йўқлигини тушуниб етишсин.

Ҳозирда аждодларимиз буюклиги билан фахрланамиз. Демак, халқ ўз ўтмиши билан барҳаёт. Сиз шуни такрор-такрор ёзишдан эринманг, болам. Айтинг-чи, мухбир ўғлим, қайси замонда инсон қадри бугунгидай юксакликка кўтарилган? Бу саволни, сиз, ёшлар биз кексаларга берсангиз ўринли бўларди.

Тўғри, бир пайтлар катта-катта шиорлар остида инсон қадри «юқори»лиги ҳақида ур-йиқит қилиб тарғиб этилган. Аммо амалда-чи? Охир-оқибат меҳнаткаш халқ «душман»га, «миллатчи»га айланмадими? Ҳа, ҳа шуларни ёзинг, ўзбегим ҳам қора терга ботиб меҳнат қилгани, ҳам ҳақоратлангани хусусида ёзинг.

Тоталитар тузум бизда миллатлар эркин, тенг ҳуқуқли деб жар солишни хуш кўрарди. Бироқ, юртим, миллатим деган Чўлпон, Фитратлар не кўйга солинди. Уларни ўша замонда ким хотирлади, ким қадрлади? Хотирлашга, эслашга йўл берилдими ўзи? Йўқ. Унда халқ ўзлигини англаб қоларди-да, ахир. Ўзлигини англаган халқни эса бўйсундириб, муте қилиб бўлмайди. Айни кунда Бўзсув соҳилида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг вояга етаётган ёш авлод миллий мафкурасини шакллантиришдаги алоҳида аҳамияти ҳақида ёзинг.

Озодлик ва эркинлик туйғулари одамзод қонида яшаши, уни ҳеч қандай куч билан чиқариб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам у Ватан, эл-юрт ҳуррияти йўлида ўлимга ҳам тик бориши ҳақида ёзинг. Демак, бундай фидойилар ҳаётлигида қадрланиши, бу дунёдан ўтганидан кейин доимо хотирланиши авлодлар бурчи эканлиги хусусида такрор-такрор ёзинг...

Ўлмас ота узоқ гапирди. Бутун бошли халқимиз тарихини, ўтмишини йўқ қилиш учун бўлган уринишларга ҳаётий мисоллар келтирди. Ўзбекнинг қадри қанчалик ерга урилгани, оёқ ости қилингани, топталганини ўз кўрган-кечирганлари тасвирида ҳикоя қилди.

— Мен бир нарсага шукур қиламан, — деди ота сўзининг охирида. — Ўзбегимнинг ўзига беклиги тикланди, қанчалик қийинчилик кўрмайлик бари ортда қолди. Шу кунларга етдик. Мустақил бўлдик. Энди унинг қадрига етайлик. Ўтмишимиз хотирамиздан кўтарилмасин. Мана, мен хотира ва қадрлашнинг асл моҳиятини қандай тушунаман.

Суҳбатдошим етмиш йиллик умри давомида кўрган-кечирганларини хотирлаб, бугунги ва кечаги ҳаётини таққослаб менга ҳикоя қилди. Жон қулоғим билан тинглаганим бу фикрлар, менинг хотирамда узоқ сақланади. Балки, пайти келиб ушбу хотираларни мен ҳам кимгадир айтиб берарман. Демак, хотира —авлодларни бир-бирига боғловчи занжир мисол, кўприк янглиғ жараён.

Биз бугун қураётган демократик жамиятда инсон қадрининг юксаклиги ҳақида ҳам баралла айтишга ҳақлимиз. Бундай ҳақ-ҳуқуқни мустақиллик-дек буюк неъмат берди. Энди биз ўз қадримизни биламиз, таъбир жоиз бўлса, ҳимоя қила оламиз. Лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг хотираси улуғ, бугунги авлоди уйғоқ. Бинобарин, инсон қадри ҳам юксак бўлғай.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

***• Президент Роберт Кочарян мамлакат Бош вазири Арам Саркисян ва мудофаа вазири Вагарчак Арутюнянни истеъфога чиқаргани муносабати билан Арманистонда янги ҳукумат тузиш бўйича маслаҳатлашувлар бошланди. Янги ҳукумат 20 кун ичида тузилиши керак.***

* * *

***• Парламентлараро Иттифоқнинг бошқарув Кенгаши Покистонни ушбу ташкилот сафидан чиқарди. Иттифоқ бош котиби Андрес Жонсоннинг айтишича, бунга ўтган йилги ҳарбий тўнтариш оқибатида Покистонда парламент тарқатиб юборилгани сабаб бўлган.***

* * *

***• Ядро қуролига эга беш етакчи мамлакат — Буюк Британия, Россия, Франция, АҚШ ва Хитой ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қатъий риоя қилишини билдирди.***

* * *

***• Венесуэлада сайловолди кампанияси бошланди. 28 майда мамлакатда президент, парламент ва штат губернаторларининг сайловлари ўтказилади.***

* * *

***• Индонезияда собиқ президент Сухартонинг пойтахт Жакартадан ташқарига чиқишини маън этувчи тақиқ муддати яна 20 кунга узайтирилди. Унинг коррупцияга алоқадорлигини текшираётган мамлакат бош прокуратураси шундай қарор қабул қилди.***

* * *

***• Лондонда Шимолий Ирландияда тинчлик ўрнатиш бўйича Буюк Британия билан Ирландия ўртасидаги музокаралар бошланди. Икки мамлакат Бош вазирлари Тони Блэр ва Берти Ахерн ўртасида бўлиб ўтган учрашувда фаолияти тақиқланган гуруҳларни қуролсизлантириш, Олстер ҳукумати ва парламенти ваколатини тиклаш масалалари муҳокама қилинди.***

* * *

***• Республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига номзод Жорж Буш бўлажак сайловда ғалаба қилса, ракетадан мудофаа тизимини (РМТ) яратиш режасини амалга оширишини маълум қилди.***

## ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ЛИЦЕЙ

**Жиззахдаги Тасвирий ва амалий санъат лицейида «Ранглар жилосида она-юрт мадҳи» республика бадиий кўргазмаси очилди.**

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамкорликда уюштирган бу кўргазмага республикадаги таниқли мўйқалам усталари асарлари билан бирга вилоятдаги ёш, умидли ижодкорлар ишларидан ҳам намуналар қўйилганлиги кўпчиликка манзур бўлди.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан академик-рассом М.Набиев, Халқ рассоми Рўзи Чориев, Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Т.Қўзиевлар тўпланганларга республика рассомлари фаолияти, ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

Жиззахлик ёш ижодкорларга Академиянинг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Шундан сўнг Бадиий Академиянинг академик-рассомлари билан вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи жамоасининг давра суҳбати бўлди.

Энди газетамизнинг чиқиши ҳақида. Газетхонларнинг ёдида бўлса, «Халқ сўзи»нинг шу йил 29 феврал сонида «Мажбурий таътил» сарлавҳаси остида босилган мақолада ва мақола юзасидан ҳокимлик юборган жавоб хатида лицей-интернатдаги аянчли аҳвол, уни бартараф этиш, машғулотлар сифати, самарадорлигига эришиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар аниқ кўрсатилганди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан лицей-интернат биносини тўлиқ таъмирлаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси деярли 2 ой мобайнида тўлиқ уддаланди. Бу ишга вилоятдаги кўплаб корхона ва ташкилотлар жалб этилди. Дастлабки, ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган давр мобайнида ўғил-қизларнинг яхши ўқиш-туришлари, самарали ижод қилишлари, лицей-интернат ён-атрофларини ободонлаштириш учун 50 миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Ўнлаб ташкилотлар ҳомийлик қилишган бўлса, янада кўплаб ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари бу ерда шанбаликлар уюштиришди.

Лицей-интернатнинг қайта очилиши куни 5-синф ўқувчилари Баҳром Бойқулов, Дилшод Андаев, Нигора Тоғаева, Акобир Ҳотамовлар билан суҳбатлашдик. Ёш ўймакор-рассомларнинг қувончлари чексиз эди. Улар узоқ давом этган таътилдан сўнг лицейларини зўрға таниганларини тан олиб гапирдилар. Ёш рассомлардан бири лицей биноси умумий кўринишини ажойиб тарзда чизиб ҳам улгурибди.

– Энди интернатимизни мақтаб ёзасизми? — деди ўзини Матлуба деб таништирган қизалоқ «Халқ сўзи»дан эканлигимизни эшитиб. – Унда қурувчи акаларимизга, албатта, раҳматимизни етказинг. Янаги сафар келгунингизга қадар, албатта, қурувчилар суратини чизиб қўяман...

**Б.САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Муҳокама учун мавзу*

## ҚИШЛОҚ КУТУБХОНАСИ

Япон ёзувчиси Акутагаванинг бир гапи бор: «Биз ўзимизда бўлмаган нарсалар билан фахрланишни яхши кўрамиз. Масалан, Т. немисчани билади, аммо унинг столи устида ҳамиша инглизча китоблар туради».

Қишлоқ кутубхоналарининг аҳволини кўрган киши юқоридаги аянчли суханнинг гувоҳи бўлади. Биринчидан, кутубхоналарнинг доимий ишлаши муаммо. Иккинчидан, китоб бойлиги ниҳоятда ғариб. Қолаверса, Акутагава таъкидлаганидек, юз фоиз аҳолиси маҳаллий халқ бўлган қишлоқ кутубхонаси фондининг кўп қисми бошқа тиллардаги китоблар. Уларнинг орасида шўролар мафкурасини тарғиб этувчи китоблар ҳам анчагина.

Албатта, буни кечаги кунимиз асоратлари, дейишингиз мумкин. Аммо ортимиздаги кўприклар ёниб кетганига тўққиз йил бўлаяпти. Бу тафаккуримизнинг тозаланиши, янги, озод давр нафасини туюшимиз учун озмунча фурсат эмас.

Қишлоқ кутубхоналарининг таъмирталаблигини айтмайсизми? Асрларга татигулик бебаҳо хазиналаримиз чакки ва чанг остида қолиб кетмоқда. Таъмир тўғрисида гап очгудек бўлсангиз, хўжалик раҳбарининг ҳам, туман мутасадди ходимларининг ҳам сочи тикка бўлади.

Бу масаланинг биринчи томони. Айрим кутубхоначи опалар билан гаплашсанг, янги китобу янги китобхоннинг йўқлигидан шикоят қилишади. Аждодлари дониш ўтган миллат болалари бугун нега кутубхонага келмай қўйишди? Қишлоқ кутубхоналарига эътибор нега бунчалик сусайиб кетди? Бу зиё масканларида ишлаётган ходимларнинг савияси нега замон талаблари даражасида эмас?

Қолаверса, кутубхоначининг вазифаси фақат хонани эрталаб очиб, туш пайти ёпиб кетишдан иборатми? У китобхонлар ичига кириб бориш, абонентларнинг сонини кўпайтириш учун мактаб ва муассасаларга бораяптими? Ташкилот ва корхоналарда китобхонлар билан учрашув ўтказаяптими? Янги китоблар тақдимоти бўлаяптими?

Саволлар ниҳоятда кўп. Балки кутубхоначининг ўзи кўмакка зордир? Кутубхонанинг ўзи мададга муҳтождир?

Хўш, бу масалаларни ким ҳал этади? Қишлоқ зиёлилари, оқсоқоллари, маҳалла қўмиталари, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят ва туман бўлимлари, жойлардаги ҳокимият вакиллари бу долзарб муаммонинг ҳал этиш йўлларини излаяптиларми?

Бундай саволларни қўйишга бугун эҳтиёж ва асослар етарли. Негаки, Президентимиз халқимизнинг маърифий ва маънавий юксалиши, баркамол янги авлодларни тарбиялаш вазифаларига тинимсиз катта эътибор қаратиб келяпти. Бундай вазифаларни амалга оширишда зиё маскани ҳисобланмиш қишлоқ кутубхоналари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг мафкуравий тарбияда, жаҳолатга қарши маърифатни ривожлантиришда бетакрор ўрни бор. Қишлоқ кутубхоналарини ана шундай мавқега эриштириш учун ҳамма чора-тадбирларни ишга солиш мақсадга мувофиқ эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

**Эсиргап БОЛИЕВ.**

# ИПАКЧИЛИК СОҲАСИНИНГ САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Ўзбекистон ипакчилик соҳасининг сармоявий имкониятлари" мавзуида халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди. Анжуман "Ўзбек ипаги" уюшмаси, Хорижий сармоялар агентлиги ҳамда "Silk Road" қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов ўзбек ипакчилиги тарихи минг йилларга бориб тақалишини таъкидлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг соҳа ривожига янада кенг эътибор берила бошланди. Ҳозир Ўзбекистон аҳоли жон бошига пилла ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи, маҳсулот ҳажми жиҳатидан эса бешинчи ўринда туради. МДҲ мамлакатларида етиштириладиган пилланинг 80 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади.

Республикамизда ипакчиликнинг янада равнақ топиши учун тузилган "Ўзбек ипаги" уюшмаси фаолиятининг қамрови тобора кенгайиб бораётир. Уюшма бу соҳага хорижий сармоя жалб қилишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилаган. "Ўзбек ипаги" бу йўлда муайян лойиҳаларни амалга оширмоқда. Япония, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Германия, Буюк Британия каби мамлакатлар сармоядорлари ва кредиторлари бу лойиҳаларда катта қизиқиш билан иштирок этяпти.

Айни пайтда мамлакатимизда пилла ишлаб чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни давом этмоқда. Бу ишлар 2001 йилда ниҳоясига етказилади. 2005 йилга бориб эса соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини уч баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, беш йилдан сўнг ипак маҳсулотлари экспорти 5-6 баробар кўпаяди. Ипак матолар ишлаб чиқариш эса йилига 30 миллион квадрат метрга етади.

Анжуманда бўлажак ҳамкорлар эътибори Ўзбекистондаги ипакчилик соҳасининг нисбатан устувор жиҳатларига қаратилди. Ана шундай жиҳатлар қаторида тарихий омил — мамлакатимизнинг қадимий ва айни пайтда қайта тикланаётган Буюк Ипак йўлида жойлашгани таъкидланди. Бундан ташқари, агротехник амалларни тадбиқ этиш борасида якка тартибдаги фермер-пиллакашларнинг бой тажрибаси ва анъаналари (улар йилига 1513 тоннагача ҳом ашё тайёрлаб беради), қулай иқлим, мақбул иқтисодий шарт-шароит ҳам қайд этилди.

Анжуман доирасида махсус кўргазма ташкил этилиб, унда юртимиздаги ипакчилик корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар намойиш қилинди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ташаббус сўнмасин*

# САВОБ ИСТАГАН ОДАМЛАР

Йўллар...Олис қишлоқ кўчаларидан бошланиб, бутун водий ҳудудларини бир-бирига туташтирувчи ана шу йўллар не-не алломалар, шоҳлару мискинлар, саркардаю чавандозларга бағрини пояндоз айламаган, уларнинг тақдирларини боғламаган дейсиз? Бу йўлларда авлод-аждодларимизнинг қадам излари қолганига тарих шоҳид!

Бу йўллар, қолаверса, шу ёруғ оламда, курраи заминда ўзбек деган меҳнаткаш, бағри кенг, очиқ кўнгил, меҳмоннавоз халқ, алломалари, ҳунармандлари, санъаткорлари беназир, ориятли миллат борлигини жаҳонга танитганини ким билмайди, ахир? Афсус, шўролар даврига келиб, юртни, миллатни бир-бирига боғловчи ана шу йўлларнинг кўп қисми ишдан чиқди, абгор бўлди.

Ўғил-қиз оқил, мард, танти бўлса, ота-бобосидан қолган қўрғонни обод этади. Уни кенгайтириб, чаманзорга айлантиради. Андижонлик йўлсозлар ҳам ўтмишнинг нурсиз, шуурсиз манзараларини янгилаш, ёшартиришни ўзларининг фарзандлик бурчлари, деб билмоқдалар. Мана, икки йилдирки, улар вилоятдаги республика аҳамиятига молик йўлларни ўз маблағлари ҳисобига таъмирламоқдалар. Бунга қадар улар Фарғона халқа йўлининг Балиқчи-Чинобод қисмида меҳнат қилиб, тажриба орттирган эдилар. Ўшанда ўн километрлик бу йўл атиги бир ҳафтада таъмирдан чиқарилганди.

Ўтган йили эса, Андижонни Жалолқудуқ тумани билан боғловчи 35 километрлик «Андижон-Тешиктош-Ойим» йўналиши тўла қўлдан чиқарилди. Эътиборлиси, кўп вақт, катта маблағ ва ишчи кучи талаб этадиган юмушлар ҳашар усулида амалга оширилди. Бу муҳим тадбирда вилоятдаги ўн бешта ташкилот ва бўлим иштирок этди. Иш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида улар ўртасида меҳнат беллашуви ташкил этилди. Мавжуд йўлларни ҳозирги кун талаби даражасига келтиришда фаоллик кўрсатганлар «Андижонавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Бу масаланинг бир томони. Савобга йўғрилган шу ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда тўхталмасак бўлмас. Йўлсозлар ички кўчаларни қайта таъмирлабгина қолмасдан, балки бу жараёнда ўз маҳоратларини ошира бориб, касб кўникмасини ҳосил қилади. Чунончи, автогрейдерчидан тортиб ҳайдовчигача, асфальт қотиргичдан тортиб механизаторгача — ҳамма ички йўлларда ишлаб, тобланади. Улар бу ўзига хос синовдан ўтгач, халқаро тоифадаги йўлларда ишлашга йўлланма оладилар.

Айни кунларда ана шу савоб истаган одамлар «Шаҳрихон-Асака-Марҳамат» йўлини қайта қуришни бошлаб юбордилар. 38 километр узунликдаги бу йўлни жуда қисқа муддатда таъмирдан чиқариш кўзда тутилган.

— Айрим ташкилотлар ўз аравасини амал-тақал тортаётган, бошқалари ҳатто инқироз жари ёқасига келиб қолган бир пайтда сизлар ўзларингиз ишлаб топган даромаднинг бир қисмини йўллар умрини узайтириш, эскиларини янгилашга йўналтираётганларингиз ибратли, албатта. Бироқ жамоа ҳамёни...

— Биласизми, биз бешта ташкилотнинг боши бир ерга жамланган йирик жамоа ҳисобланамиз. Бунақаси ҳозирча водийда ягона, — дейди Избоскан автойўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Султонмирза Исмонов. — Гап шундаки, асфальт-бетон цехлари, норуда материаллар карьери, йўл-қурилиш бўлими, йўллардан фойдаланиш бўлими, автопавильон, кўприкларни таъмирлаш бўлими — бариси ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида белгиланган режаларнинг муддатда бажарилишини таъминлаяти. Натижада асосий фаолиятдан олинган фойда ўтган йилга нисбатан 9,7 фоиз ўсди. Пудрат фаолияти бўйича 1,6 миллион сўмдан ортиқ фойда олинди.

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Қарийб 400 киши меҳнат қиладиган бу жамоада бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи 12.700 сўмга тўғри келмоқда. Илғор қурилиш участкаларининг пешқадам йўлсозлари эса ҳар ойда 21 минг сўмгача иш ҳақи олаётирлар. Мукофотлар бу ҳисобга кирмайди. Мукофотлар ҳам кўп. Айтайлик, йил якунига кўра, 3,5 миллион сўм, чорак якунида 2,6 миллион сўм мукофот пули тарқатилди. Бундан ташқари, 215 минг сўм ёрдам пули берилди.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўринадики, избосканлик йўлсозлар эришаётган муваффақиятлар кўнгилга ёруғлик солади, қувонтиради. Шу боис биз бу ташаббускорларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Толибжон МИРЗАРАҲИМОВ, «Андижонавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмасининг автожамланма раҳбари:**

— Жамоамизда 152 нафар ишчи-хизматчи, шу жумладан, ҳайдовчи меҳнат қилади. Ўтган йили биз 786 минг тонна юкни белгиланган манзилга етказиб бердик. Буюк Ипак йўлининг энг мураккаб қисми ҳисобланган «Тошкент—Ўш» йўлининг Камчиқ довони, Фарғона халқа йўлининг «Андижон-Наманган» йўналишида хизмат қилиб, катта тажриба орттирган ҳайдовчиларимизнинг бир гуруҳи бугунги кунда «Шаҳрихон-Асака-Марҳамат» йўли қурилишида юк ташимоқда. Улар сафида Авазбек Рустамов, Камолиддин Бозорбоев, Ҳошимжон Худоёров, Латифжон Ғаниев сингари тажрибали ҳайдовчиларимиз бор. Бундай фидойилар бор экан, бу йилги 734 минг тонна юк ташиш режаси, албатта, ошириб бажарилади.

**Алишер РУСТАМОВ, асфальт-бетон ишлаб чиқариш цехи бошлиғи:**

— Тош майдалаш, саралаш цехларимиз бир маромда ишлаб турибди. Ҳадемай, яна бир асфальт тайёрлайдиган агрегатни ишга соламиз. Бу янги иш ўринлари очилишига имкон беради. Ҳозирга қадар 18 миллион сўмлик пайвандлаш, тиклаш ишларини адо этдик. Йил охиригача ана шу кўрсаткич бир неча баробар ортади. Негаки, Абдусаид Эргашев бошчилигидаги асфальт босиш бригадаси ва бўлинмалар аъзолари юксак мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Умуман, избосканлик автойўл қурувчилари бу йил ўнлаб километрлик йўлларни қуриш, таъмирлаш билан бирга 16 та янги бекатни фойдаланишга топширишмоқчи. Буларнинг ҳаммаси республикамиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига муносиб туҳфа бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «МАТИЗ» ЕВРОПАНИ ЗАБТ ЭТМОҚЧИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Жанубий Кореянинг Эксимбанки ўртасида кредит битимининг имзоланиши мамлакатимиз автомобилсозлиги тараққиётида янги босқични бошлаб беради.

"ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси базасида янги турдаги автомобил линиясини ўрнатиш тўғрисидаги келишувга Президентимиз Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга сафари чоғида Эксимбанк раҳбарияти билан учрашувида эришилган эди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки имзолаган битим мазкур келишувларнинг амалдаги ифодасидир. Унинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини тузилма жиҳатидан қайта қуришни давом эттириш имконини беришидан ташқари, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган саноат маҳсулотларини кредитлашни ривожлантиришга қўшилган ҳисса ҳам бўлади.

Битимда "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида "Матиз" русумли янги авлод автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 35,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган. Кредит маблағлари ҳисобидан ҳар йили 60 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга линия етказиб берилади. Ускуналарни ўрнатиш ишларини келгуси йил охиригача якунлаш кўзда тутилган. Шуни қайд этиш лозимки, "Матиз" етакчи корхоналарнинг шу тоифадаги автомобилларидан қолишмайди. Бу модел автомобилга бой бўлган Япония бозорида ҳам ўз харидорларини топмоқда. Бундан ташқари, "Матиз"нинг халқаро "ЕВРО II" андозаларига мувофиқлиги Ўзбекистонга бу автомобилларни Европага экспорт қилиш имконини ҳам беради.

**(ЎзА).**

# "МАКТАБЛАР КУНИ" НОЧОР МАКТАБДА ЎТДИ

Гулистон тумани Амир Темур номли жамоа хўжалигидаги 7- ўрта мактаб Сирдарё вилоятидаги энг таъмирталаб ва молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Навбатдаги "Мактаблар куни" ушбу даргоҳда семинар тарзида ўтказилди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими бўлимлари ҳамда қурувчи ва оталиқ ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашди.

Вилоят ҳокими А.Исроилов семинарда халқ таълими тизимида мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими хусусида гапирди.

Семинарда мазкур мактабни бир ой муддат ичида тўла таъмирдан чиқариш режаси ишлаб чиқилди ва мутасадди ташкилотларга бу борада зарур топшириқлар берилди.

**Тўлқин АҲМАДАЛИЕВ.**
**(ЎзА)**



*Сиз суратда кўриб турган Зилола Шодмонхўжаева Фурқат туманидаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётганига кўп бўлгани йўқ. Аммо у ҳамкасбларининг ҳурмат эътиборини қозонди. Сабаби қисқа вақт ичида ип йигирувчилик касбини мукаммал ўзлаштириб, белгиланган режаларни ортиғи билан уддаламоқда. Йилига қарийб 500 тонна калава ип ишлаб чиқаришда илғор ишчи З. Шодмонхўжаеванинг улуши катта бўлаётир.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# "Бекободцемент" — халқаро сифат совриндори

"Бекободцемент" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида бинокорлик материаллари тайёрлаш бир ярим баравар кўпайди, маҳсулот тури ортди, сифати яхшиланди. Натижада маҳсулотга ташқи бозорда ҳам харидорлар кўпаймоқда. Корхона жамоаси яқинда Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган Европа сифат конфедерациясининг халқаро "Европа Алко" мукофотини қўлга киритди.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Боз устига, корхонанинг ускуналари анча эскириб қолган эди. Аммо бунинг ҳам йўли топилди. Эҳтиёт қисмларнинг кўпини четдан олиб келишга барҳам берилди. Импорт ўрнини босувчи ўтга чидамли ғишт тайёрлаш йўлга қўйилди. Ташаббус боис печларнинг бир маромда ишлаши таъминланди. Сульфатга чидамли 500 маркали цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эса мижозларнинг кескин ортишига олиб келди.

Корхона маҳсулотларига хорижий истеъмолчилар ҳам кўплаб буюртма бера бошлади. Айни пайтда корхона жамоаси геология-қидирув ишлари учун ниҳоятда зарур бўлган тампонаж цементи тайёрлашни ўзлаштирмоқда.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Янгилик*

# "Шифобахш"нинг олтин медали

Бухородаги "Шоҳруд" ҳиссадорлик жамиятига хушхабар келди. Алкоголли ичимликлар таъми ва сифати бўйича Ялтада бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Бухоронинг "Шифобахш" бальзами олтин медалга сазовор бўлибди.

Таъкидлаш керакки, "Шоҳруд" виночилари катта тажрибага эга. Улар тайёрлаган ичимликлар халқаро кўргазма ва ярмаркаларда бир неча бор юқори баҳо олган. Лекин у Ялтада ўтказилган халқаро танловда винолари билан эмас, балки "Шифобахш" бальзами билан қатнашди.

Мутахассисларнинг айтишича, янги маҳсулот Ғарбнинг машҳур "Биттнер" бальзамидан қолишмайди. Унинг таркибида ўттиздан кўпроқ шифобахш модда бор. Маҳсулот Бухоро вилояти саҳро кенгликларида ўсадиган ялпиз, янтоқ, тоғрайҳон, арпабодиён, қизилпойча сингари ўнлаб шифобахш ўсимликларнинг ширин ва хушбўй қайнатмаси, турли қуруқ мевалар шарбати асосида тайёрланган.

Ҳозирги вақтда "Шифобахш" бальзами тайёрланадиган линияни ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати олинганидан сўнг у дорихоналарга ҳам чиқарилади.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

*Изланиш*

# МАНЗУРА ДАРСЛИК ЯРАТДИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги бошқа тилларда билим олаётганлар учун ҳам жуда катта қулайликлар яратмоқда. Бироқ, қорақалпоқ, қозоқ тилларида ўқитилаётган мактаблар учун ўзбек тили дарсликлари камлиги сезилиб турибди. Навбаҳор туманидаги Увайсий номли мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ижодкор муаллима Манзура Эрназарова бу борадаги изланишлари билан ҳаммани қойил қолдирди. У яратган қорақалпоқ тилида ўқитиладиган синфлар учун «Ўзбек тили» дарслиги бултур синовдан муваффақиятли ўтиб, жорий ўқув йилида мукаммал китоб ҳолида тақдим этилди.

Бу тиниб-тинчимас қиз қорақалпоқ мактабларида ўзбек тилининг ўқитилиши муаммоларига бағишланган номзодлик ишини аъло даражада ёқлади. Йигирма тўрт ёшли олиманинг келгуси изланишлари салмоқли самаралар беради, деб ўйлаймиз.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**Навоий вилояти.**

# Ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширайлик

Урганчда ўтказилган амалий семинарда Хоразм вилоятида ёшларга ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди. Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, халқ таълими бўлимлари, аёллар қўмиталари, "Маънавият ва маърифат" марказлари, "Камолот" ва "Маҳалла" жамғармалари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари вилоятда ҳуқуқий таълимни чуқурлаштириш ва ҳуқуқий тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш борасида кўп ишлар қилинаётганини қайд этишди. Хусусан, мамлакатимиздаги бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари билан бу борада амалга оширилаётган ҳамкорлик тажрибаси эътиборга лойиқ. Барча мактабларда ўтказилган "Сиз қонунни биласизми?" танлови ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасидаги тадбирлар етарлича эмаслиги ҳам таъкидланди. Вилоятда балоғатга етмаганлар ишлари бўйича назоратда 470 нафардан ортиқ ўсмир рўйхатга олинган. Ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшларнинг катта қисми ҳали ҳам тегишли давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари назоратидан четда.

Шунинг учун ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишнинг янги, ноандозавий усулларини излаш, ҳуқуқий билимдонлик ёшлар учун онгли эҳтиёжга айланишига эришиш лозим.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАШНИ

## аввало, бу борадаги мавжуд тартиб-қоидани

**Умумжаҳон хўжалик алоқаларига қўшилишимиз учун олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ишчи кучи ташқи миграцияси ҳисобланади. Ишчи кучини экспорт қилиш халқ фаровонлигига, иқтисодий ривожланишга, ички ва ташқи пул-молия бозори муносабатларига ижобий таъсир қилиб, мамлакат меҳнат бозорининг ривожланиш даражасининг ўсишига, чет элларда иш билан банд бўлган фуқароларимизнинг малакасини оширишга, замонавий технология ва техникани ўрганиш, тадбиркорлик маданиятини ва тажрибасини бойитиш, қонунчиликка риоя қилиш, умуминсоний қадриятларнинг миллий маданиятимиз билан уйғунлашувини тезлаштиришга кўмаклашади.**

Маълумки, ишчи кучи миграцияси ишчи кучи экспорт қилинган мамлакатга ҳам, ишчи кучининг эгаси — халқаро меҳнат бозорига чиққан фуқароларга ва мутахассисларга ҳам фойдалидир. Айни пайтда қонунан ва ҳар жиҳатдан тўғри ташкил қилинган ташқи миграциягина етарли иқтисодий самара беради.

Миграциянинг қандай омилга кўра юзага келиши ҳам муҳимдир. Амалга ошириш стратегияси ва тактикаси олдиндан ишлаб чиқилган, оқибатлари ҳисобга олинган миграция турлари бўйича кўзланган мақсадга тезроқ эришилади (Масалан, Америка Қўшма Штатларида мамлакат парламенти қонунларига кўра ҳар йили миграция, тўғрироғи, иммиграция квоталари ўрнатилади. Бунда биринчи навбатда АҚШ манфаатлари ҳисобга олинади). Соҳа фани ва амалиёти шуни кўрсатадики, ишчи кучи ташқи миграциясидан фойдаланишдан олдин унинг омиллари қанақа бўлишини ишлаб чиқиш лозим. Чунки миграция ҳосил қилувчи омилларнинг юзага келиши учун замин яратмасдан туриб бу жараённи бошқариб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз миграция сиёсатининг асосий мақсади миграция оқимларини Ўзбекистоннинг мустақил иқтисодий-ижтимоий ривожланишига хизмат қилиши нуқтаи назаридан амалга ошириш бўлиб, у асосан хорижий мамлакатлардаги ривожланган тармоқлар ва корхоналарда касб-малакага эга бўлиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатлардаги ва хорижий мамлакатлар фуқароларининг республикадаги касбий фаолияти тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомларга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги профессионал фаолияти ва Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлар фуқаролари ишчи кучининг жалб этилиши тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишнинг тартиби расман белгиланган. Унга кўра ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланишни тартибга келтириш ва доимий равишда назорат қилиш функцияси республика ва ҳудудий меҳнат органлари зиммасига юклатилган.

Иш берувчиларга хорижий ишчи кучидан фойдаланиш ва уларни жалб қилиш рухсатномалари улар жойлашган ва меҳнат фаолиятини амалга ошириши назарда тутилаётган ҳудуддаги меҳнат органлари (меҳнат бошқармалари) томонидан берилади.

Иш берувчи хорижий мутахассисни жалб қилиш ва ундан фойдаланиш рухсатномаларини олиш учун меҳнат бошқармасига раҳбар томонидан имзоланган ариза, хорижий фирмалар ёки чет эл фуқаролари билан хорижий мутахассисларни жалб қилиш шартлари ва сабабини, амалга оширилаётган юмушни бажариш олдиндан келишилганлигини тасдиқловчи шартнома лойиҳаси ва бошқа қонунан талаб қилинадиган ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Одатда ҳужжатлар ҳудудий меҳнат органига топширилгандан сўнг 15 кун муддат ичида рухсатномалар бериш масаласи кўриб чиқилади. Рухсатномага ҳудудий орган бошлиғи имзо чекиши ва муҳр босилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда амал қилувчи тартибга кўра иш берувчиларга хорижий ишчи кучидан фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар 1 йил муддатга берилади. Рухсатномалар амал қилиш муддатини узайтириш, рухсатномани олиш тартиби каби ҳудудий меҳнат органлари томонидан амалга оширилади. Иш берувчи хорижий мутахассис кириб келмасдан олдин тегишли ҳудудий меҳнат органидан «хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатнома»сига асосланган ҳолда ушбу мутахассисга бериладиган «меҳнат фаолиятига ҳуқуқий тасдиқнома»си борлигидагина бу мутахассис белгиланган тарзда Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш рухсатномасига асосланган ҳолда ишчи кучини мутахассис сифатида ёллаш хоҳишини билдирган иш берувчилар олдиндан меҳнат шартномасини тузадилар.

Меҳнат шартномаси ишдан бўшаш муносабати билан муддатидан илгари якунланганда ҳамда иш жойини ўз истаги билан ташлаб кетган хорижий мутахассисларнинг рухсатномаларини иш берувчилар уларнинг ишдан бўшатилганликлари тўғрисидаги буйруқ билан тегишли ҳудудий меҳнат органига тақдим қиладилар. Ушбу ҳужжатларни ўз вақтида топширмаган иш берувчиларнинг рухсатномалари вақтинчалик тўхталиши ва ушбу ҳолат бир неча бор қайтарилганда рухсатномалари бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ишчи кучи ташқи миграцияси оқимларини назорат қилиш ва тартибга солишда асосан учта ижрочи давлат идорасининг (Меҳнат вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги) мувофиқлаштирувчи фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар ўз йўналишлари бўйича соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлашади.

Бугунги кунда Ўзбекистон 79 та мамлакат билан халқаро меҳнат бозори муносабатларига киришган. Бу мамлакатлардан ишчи кучининг Ўзбекистон Республикасига келиши тўғрисида расмий статистика маълумотлари мавжуд. Вилоятлар ва маъмурий бирликлар бўйича қаралганда, албатта, Тошкент шаҳри (салмоғи — 63,2%), шунингдек, Фарғона (17,5%), ва Самарқанд вилоятларини (5,5%) айтиш керак.

Ўзбекистон ҳудудидан ишчи кучини хорижий мамлакатларда касб ўрганиш, малака ошириш, ишлаш бўйича битимлар имзолаган давлат сирасига Жанубий Корея, АҚШ, Япония мамлакатлари киради.

Миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси эришган институционал-ташкилий ва амалий тараққиётни Ҳамдўстлик давлатлари билан қиёсласак, шуни кузатамизки, республика бу соҳадаги энг муҳим халқаро ҳуқуқ нормаларига қўшилган. Бу ҳужжатлар жумласига 1949 йилги Женева Конвенциясидан тортиб, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияларгача киради.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳуқуқ нормаларига оид халқаро ҳужжатларнинг аксариятини ратификация қилган. Бу ҳужжатларнинг амалга оширилиши ва уларга риоя қилиш аниқ механизмининг мавжудлиги миграция жараёнларининг халқаро йўналишлар бўйича, жумладан, ишчи кучи миграциясининг ривожланиши юзасидан зарур шарт-шароит яратилишига имкон беради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ташқи ва ички меҳнат бозорларининг уйғун ривожланишини таъминлаш яхши самара беради. Рақобатга шай мутахассислар тайёрлашда хорижий мамлакатлар билан ишчи кучи айирбошлаш, хорижга касб ўрганишга, меҳнат фаолиятини олиб боришга жўнатиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга кичик корхонада, якка тартибдаги хўжаликларда малака ошириш ҳам мумкин, шу орқали кўпроқ аёлларимизни мамлакатимиз ичида иш билан таъминлаш имкони туғилади. Бундан ташқари, ишга фаол жойлаштириш аҳолини иш билан таъминлаш жараёнларини жадаллаштириш орқали мамлакат миграция салоҳиятини ва аҳолининг ҳаракатчанлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейингина хорижий давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар йўлга қўйилганлиги барчага маълум. Хусусан, илгарилари чет мамлакатларга бориш ушалмайдиган армон бўлиб туюлган ҳамюртларимиз эндиликда хорижий ўлкаларга ортиқча қийинчиликларсиз бориш имконига эга бўладилар.

Хорижга кимдир сайр-томоша учун, кимдир ўз яқинини кўриш учун, кимдир таҳсил олиш, кимдир эса тижорат мақсадида боради. Шундай тоифадаги юртдошларимиз борки, улар чет элда касб ўрганиш ва малакаларини ошириш, ишлаш орқали ўз турмуш даражаларини яхшилашга интиладилар. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги қошидаги Меҳнаткаш-муҳожирлар ваколатхонаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги 14 июл қарори асосида таъсис этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси республикамиз фуқароларининг хорижда касб ўрганишлари ва малака оширишлари бўйича иш олиб боришдир. Жумладан, Ўзбекистон ёшлари Жанубий Корея, АҚШ ҳамда Малайзия давлатларида кейинги беш йил мобайнида қарийб 5000 га яқин, хусусий шартномалар асосида 200 га яқин фуқароларимиз малакаларини оширибгина қолмай, ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Келгусида Япония, Саудия Арабистони ҳамда қатор Европа ҳамжамияти мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун пойдевор яратилган.

Хушхабар

## “COSCOM” – НАВОИЙДА

Ўзбекистон-АҚШ “Coscom” қўшма корхонасининг Навоий шаҳрида филиали фаолият кўрсата бошлади. Бу эса вилоятда телекоммуникация тармоғини яхшилаш, симсиз алоқа хизматини кенгайтириш имкониятини яратди. Ҳадемай Зарафшон шаҳрида ҳам уяли алоқа ишга тушади. Кейинчалик унинг фаолият доираси янада кенгаяди.

Спорт

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фарғонада ўқ отиш бўйича республика биринчилиги ниҳоясига етди. Унда 50 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Бухоролик Илҳом Очилов ва тошкентлик Маъмура Муҳаммаджонова мусобақа ғолиби бўлди.

Бу беллашувда республикамизнинг энг зўр мергани Элдор Сайфуллин иштирок этмади. Чунки у Туркиянинг Анталия шаҳрида май ойида ўтказиладиган “Гран-при” сериясидаги халқаро турнирга тайёргарлик кўрмоқда. Бу мусобақаларда Элдор Сидней-2000 Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмани олиш учун етмай турган холларни тўплаши керак.

**(ЎзА).**

# ВАТАНГА ФИДОЙИ ЁШЛАР БАЙРАМИ

Саноқли кунлардан сўнг Наманган шаҳрида илк бор мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари талабалари иштирокида спортнинг тўққиз тури бўйича «Универсиада-2000» спорт анжумани ўтказилади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар давомида диёримизда ўнлаб замонавий спорт иншоотлари бунёд этилди, йирик халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш анъанаси ривож топди. Яна бир қувончли томони, бугунги кунда кўп давлатларда асосан профессионал спортга катта эътибор қаратилиб, оммавий спорт назардан четда қолаётган бир пайтда, мамлакатимизда Олимпия хартиясига жавоб берадиган тарзда спортни оммавий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўзининг саломатлиги борасида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизимлари, жисмоний тарбия ва спорт кўмагида сингдириб боришдир.

Универсиада талаба ёшлар турмуш тарзида айни мана шу кўникмаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган оммавий спорт мусобақасидир. Қолаверса, бугун халқаро мусобақаларда иштирок этаётган профессионал спорт юлдузлари ҳам айни мана шу олий ўқув юртларида етишиб чиқадилар. Бу мусобақалар бир тарафдан янги спорт юлдузларини етиштириб берса, иккинчи тарафдан талаба ёшлар орасида соғлом турмуш маданияти шаклланишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга бу тадбир мақсад ва моҳият жиҳатидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий-узвий қисми бўлиб, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизнинг мантиқий давомидир.

«Универсиада-2000» бу шунчаки бир тадбир бўлиб қолмай, талаба ёшлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг тантанаси, мақсадлари бирлиги рамзини ифодалайдиган ўзига хос байрамдир.

Универсиадага тайёргарлик кўриш, унда иштирок этиш жараёни нафақат ёшлар иродасини чиниқтиради, балки қийинчиликларни дадил енгиб ўтишга, ҳамжиҳат ҳаракат қилишга, ҳар бир дақиқани қадрлашга ўргатади.

Бу йирик спорт анжумани мамлакатимиз вилоятларининг турли олий ўқув юртлари талабаларини дўстлаштиради, ўзаро фикр алмашишга, орзу-мақсадлари, келгуси режалари билан ўртоқлашишга имкон яратади.

Ҳар бир вилоят вакили чидам ва сабот, ҳамжиҳатлик ила устозлари, дўстлари ишончини оқлаш учун курашади.

Бугун жамоаси учун жон куйдираётган, бундай ёниқ қалбли йигит-қизлар эртага Ватани учун жонини беришга ҳам тайёр фидойиларга айланади.

Бир жамоага бирлашган йигит-қизлар аҳиллик туфайли маррага етар эканлар, ҳамжиҳатлик кучини юрак-юракдан ҳис қиладилар. Универсиададан кўзланган бош мақсад ҳам, аввало, мамлакатимиз навқирон авлодини спорт билан доимий ошно қилиш бўлса, яна бир тарафдан ёшлар қалбида ўзига ишонч, ғурур уйғотиш, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантиришдир.

Ҳам жисми, ҳам фикри соғлом, иродаси мустаҳкам йигит-қизлар ҳеч қачон жоҳил кучларнинг таъсирига берилмайдилар. Кўр-кўрона ёлғон-яшиқларга ишониб кетавермайдилар. Ўз юрти, ота-онаси, ёру-биродарларига қарши бормайдилар. Аксинча, уларни ҳимоя қиладилар. Уларнинг онгида ёвуз фикр ва ғояларга қарши соғлом иммунитет шаклланади. Ёвуз мақсадли кишиларнинг сохта ғоялари бундай ёшлар қалбидаги соғлом фикр ва мулоҳаза қалқонига урилиб чилпарчин бўлади.

«Универсиада-2000»нинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у мамлакат миқёсидаги ўзига хос спорт ва ёшлик байрамидир. Бу катта байрам туфайли Наманган вилоятидаги барча спорт базалари қайта таъмирланиб, керакли анжомлар билан жиҳозланди. Бу эса наманганлик ёшларнинг спорт билан йиллар давомида шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати туфайли бир неча йиллар давомида нураб, дам олувчилар ҳам камайиб кетган «Чортоқ» санаторийси «Соғлом авлод йили»да ўтказилаётган ёшлар байрами боис қайта таъмирланиб, мамлакатимизнинг йирик ва обод соғломлаштириш марказларидан бирига айланди.

Наманган вилояти аҳли «Универсиада-2000»ни ўзига хос соғлом авлод байрами сифатида нишонлаш учун стадион ва спорт залларини, кўча ва майдонларни ясатмоқда. Ҳадемай, наманганликлар мамлакатимизнинг оқил ва фидойи, қувноқ ва бахтли ёшларини қучоқ очиб қарши оладилар.

Ишонамизки, «Универсиада-2000» юртимиз ёшларини нафақат жисман, балки маънавий баркамоллик сари етакловчи нуфузли ва анъанавий мусобақалардан бири бўлиб қолади.

«Универсиада-2000»

# ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧДА

**Ташкилий қўмита раиси – олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор ҒУЛОМОВ билан суҳбат**

**– Қаерда ташаббус моҳияти тўғри англанса, ўша ерда унга бўлган эътибор ҳам кучли бўлади. Шу маънода олий ўқув юртлари раҳбарлари, талабаларининг бу тизимга муносабати қандай бўлмоқда?**

– Яхши ниятлар билан бошланган ҳаракат миллионлаб кишиларни бирлаштиришга қодир. Президентимизнинг соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган ташаббуслари ҳамда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш борасидаги даъватлари минглаб талабаларимизнинг спортга бўлган иштиёқини янада алангалантириб юборди. «Универсиада-2000» боис барча олий ўқув юртларимизда спорт ва жисмоний тарбияга эътибор янада кучайганлиги табиий.

Бу анжуман биз учун яхшигина ойна вазифасини ҳам ўтамоқда. Мана шу тадбирга тайёргарлик кўриш, талабаларни жалб этиш, қолаверса, мусобақа якунларига қараб ҳам биз олий ўқув юрти раҳбарларининг қандай ишлаётганини билиб олишимиз мумкин. Шу боис бу муҳим тадбирни ҳар бир олий ўқув юртида таълим-тарбия, маънавият ишлари қандай ташкил этилганлигининг кўргазмали воситаси деб билиб, астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Ўнлаб олий ўқув юртларимизда янги спорт секциялари ташкил этилди, мавжудларининг фаолияти янада жонлантирилди.

«Универсиада-2000»да иштирок этувчи ҳар бир вилоят жамоасининг ўзига хос кийимлари бўлишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Талабаларнинг иштиёқ билан, қизиқиб тайёргарлик кўраётганлиги бу тадбирнинг нақадар зарурлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Ҳар бир факультетда спортга бағишланган стендлар тайёрлаш, талабаларни спортга жалб этиш ва рағбатлантиришда ўқув юртлари газеталаридан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Яна бир муҳим жиҳати, универсиада боис ўқув юртларимизнинг моддий-спорт базаси ҳам мустаҳкамланмоқда.

«Универсиада-2000»ни мамлакатимиз талабалари ёдида бир умр сақланиб қоладиган тарзда ўтказиш бўйича барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Айниқса, Наманган вилояти ҳокимлиги бу ишга катта эътибор ва масъулият билан қараётир.

Биз «Универсиада-2000» тадбирлари асосида махсус видеофильм ва китоб яратмоқчимиз. Соғлом, Ватанга фидойи ёшлар ҳақида ҳикоя қилувчи бу махсус фильм ва китоб ҳар бир ўқув юртида қўлланма вазифасини ўтайди.

**– «Универсиада-2000»ни кичик олимпиадага муқояса қилмоқдалар, Ташкилий қўмита раиси сифатида бу борадаги мулоҳазаларингиз?**

– «Универсиада-2000»да асосан кундузги бўлим талабалари, магистрлар, аспирантлар иштирок этишади. Мусобақалар асосан олимпиада спорт турлари асосида ўтказилади. Ҳозиргача «Универсиада-2000» эмблемаси асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олтин, кумуш ҳамда бронза медаллари тайёрлади. Шу билан бирга ғолибларга Наманган вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, тасарруфида олий ўқув юртлари бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳамда ҳомий ташкилотларнинг махсус совғалари ҳам тайёрланмоқда.

«Универсиада-2000» Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг барча талабалари иштирок этадиган биринчи оммавий йирик мусобақа ҳисобланади. Мусобақанинг барча босқичларида хорижий давлатлардан келиб, мамлакатимизда таълим олаётган талабалар ҳам иштирок этадилар. Шунинг учун бу нуфузли анжуманни кичик олимпиада дейишга асос бор, деб ўйлайман. Келгусида юртимизда ўтадиган универсиадаларга хорижий давлатлар олий ўқув юртлари талабаларини таклиф қилиш, спорт турларини янада кенгайтириш каби ниятларимиз бор.

Бу спорт анжумани юртимиз ёш спортчиларини жаҳон универсиадасига қатнашиши учун саралович босқич ҳам ҳисобланади.

**– «Универсиада-2000» бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етиб қолган бўлса керак?**

– Шу кунларда «Универсиада-2000»ни ўтказиш билан боғлиқ, сўнгги тайёргарлик ишлари кетмоқда. Тантанали очилиш маросими Наманган вилоятининг марказий «Навбаҳор» стадионида ўтказилади. Унда мамлакатимизнинг таниқли спортчи ва санъаткорлари иштирок этишади. Мусобақа иштирокчилари ҳозирда олимпиада шаҳарчаси вазифасини ўташга тахт қилиб қўйилган «Чортоқ» ва «Гулшан» санаторийларига жойлаштирилади.

Бугунги кунгача Наманган вилояти ҳокимлиги раҳбарлигида олиб борилган таъмирлаш ишлари деярли ниҳоясига етиб, ҳозирда талабаларни кутиб олишга тайёргарлик кўрилмоқда.

«Универсиада-2000» мусобақаларини Наманган Давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт иншоотларида, «Паҳлавон» спорт мажмуасида, «Динамо», «Дўстлик», «Косонсой», «Навбаҳор» стадионларида, Чуст, Уйчи, Тўрақўрғон туманларидаги спорт иншоотларида, «Шох-Рух» шаҳмат залида ўтказиш режалаштирилган.

«Универсиада-2000»га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун асосий маблағ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ажратилмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» жамғармаси, «Ватанпарвар» ташкилоти «Универсиада-2000»га ҳомийлик қилмоқдалар. Қатнашчиларнинг самолёт ва поездда келиб-кетишлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам бу соҳа мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Албатта, ёшларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб тарбиялаш, спортга ошно қилиш, бу, аввало, буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир.

«Универсиада-2000» ана шу мақсад йўлида ташланган янги бир эзгу қадам бўлишига ишонамиз.

**Минҳожиддин МИРЗО суҳбатлашди.**

***«Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади».***

**Ислом КАРИМОВ.**


ABN·AMRO Bank

Best Bank in Uzbekistan

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777



VIDEO COMMUNICATION

**Радио алоқа тизимлари**

**бепул эфир**



Тел.: (3712) 78-54-70; 78-41-07;
Факс: 78-05-03.

2814



*Биринчи даражали*

**МЕБЕЛЬ САЛОНИ**

*Бевосита Италия ва Польшадан туркум мебеллар тўплами.*

*Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.*

*Элтиб бериш ва йиғиш -- бепул.*

*Манзилимиз: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 5. Мебел дўкони.*

*Тел. (371) 144-27-15.*




2734


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раҳбарияти ва котибияти парламент раҳбарияти ҳузуридаги аппарат катта референти А. А. Акрамутдиновага онаси

**Татьяна Ивановна АКРАМУТДИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Фарғона вилоят бўлими раҳбари Тоиржон Абдураимовга онаси

**Ўғилчахон ая ХАЛИЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва оиласига сабру қаноат тилайди.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти қошидаги лицей жамоаси, лицей директори муовини Раҳимжон Арслоновга отаси

**Абдураҳим АРСЛОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъат аъзолари ва жамоаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи Б. Ҳалимовга онаси

**Холжон САИДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиоси жамоаси «Спорт» эшиттиришлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Талъат ОБИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмаком» қўшма корхонаси жамоаси компания ходими Алфия Абдураҳмоновага волидаи муҳтарамаси

**Роза АБДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 132-11-15;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.45*
1 2 3 4 5 6